

Шаввол ҳилолини кузатиш бўйича хабарнома ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



15:09 / 28.04.2022 2185

Маълумки, Ўзбекистон муслмонлари идорасида Рамазон ойи ва ҳайитини муносиб кутиб олиш, Ислом дини тартиб-қоидалари асосида ҳилолни кузатиш бўйича ишчи гуруҳ тузилган эди.

Таниқли уламолар ва малакали мутахассислардан иборат мазкур ишчи гуруҳ Рамазон ҳайитининг биринчи куни – Шаввол ҳилолини астрономик таҳлиллар ҳамда хорижий давлатлардаги мутахассислар билан ҳамкорлик асосида кузатиб бормоқда.

Ушбу ишчи гуруҳ кузатиш натижаларини Ўзбекистон муслмонлари идораси Уламолар Кенгашига тақдим этади.

Рамазон ҳайитининг биринчи куни ҳақидаги маълумотлар Уламолар Кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва тегишли хулосалар қабул қилинади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати